



OPPORTUNITIES FOR DEVELOPING ETHNOTURISM IN UZBEKISTAN (On the example of Rishton, Chust, Yangikurgan and Boysun districts)

Alisher Doniyorov

Professor of Tashkent State University of Oriental Studies,

Doctor of Historical Sciences

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: ethnotourism, cultural experience, integration into local life, pottery, knife ma-king, hat making, carpet weaving, tourist police.

Received: 27.02.25

Accepted: 01.03.25

Published: 03.03.25

Abstract: The article provides a scientific analysis of the concept of “ethnotourism” and reveals the opportunities for its development in Uzbekistan using the examples of Rishton, Chust, Yangikurgan and Boysun districts. It also provides a summary of the practical work carried out in this area at the Tashkent State University of Oriental Studies, directions for the development of ethnotourism, and proposals and recommendations for the further development of the sector.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭТНОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ (Риштон, Чуст, Янгиқўрғон ва Бойсун туманлари мисолида)

Алишер Дониёров

Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори,

тарих фанлари доктори

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Kalit so‘zlar: этнотуризм, маданий тажриба, маҳаллий ҳаётга интеграция, кулолчилик, пичокчилик, дўппичилик, гилам тўқи, туристик полиция.

Annotatsiya: Мақолада “этнотуризм” тушунчасинини илмий жиҳатдан таҳлили ҳамда уни Ўзбекистонда ривожлантиришга доир имкониятлар Риштон, Чуст, Янги-қўрғон ва Бойсун туманлари мисолида очиб берилган. Шунингдек, унда Тошкент давлат шарқшунослик университетида ушбу соҳада амалга оширилаётган амалий ишларнинг сарҳисоби, этнотуризмнинг ривожлантириш йўналишлари ҳамда соҳанинг кейинги ривожлани-шига доир таклиф ва тавсиялар баён қилинган.

ВОЗМОЖНОСТИ РАЗВИТИЯ ЭТНОТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ (На примере районов Риштан, Чуст, Янгикурган и Байсун)

Алишер Дониёров

Профессор Ташкентского государственного института востоковедения,

Доктор исторических наук

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: этнотуризм, культурный опыт, интеграция в местную жизнь, гончарное дело, изготовление ножей, производство шляп, ковроделие, туристическая полиция.

Аннотация: В статье представлен научный анализ понятия «этнотуризм» и раскрываются возможности его развития в Узбекистане на примере Риштанского, Чустского, Янгикурганского и Байсунского районов. Также дана информация о практической работе, проведённой в этом направлении в Ташкентском государственном университете востоковедения, обозначены направления развития этнотуризма, а также представлены предложения и рекомендации по дальнейшему развитию данной отрасли.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда туризм индустриясини ри-вожлантириш, шу жумладан, ички ва ташқи сайёҳлар учун ку-лайлик яратиш, тармоқнинг рақобатбардошлигини мустах-камлаш, кўрсати-ладиган хизматлар сифатини яхшилаш ва жаҳон бозорига миллий туристик масканларни фаол танитиб бориш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотларнинг натижаларини юртимизга кириб келаётган сайёҳлар оқимининг йилдан йилга ортиб бораётганлиги, туристик масканлар инфра-тузилмасининг модерни-зация қилинаётганлиги, қолаверса, виза режимини эр-кинлаштириш борасида ижобий натижаларга эри-шилганлигида кузатиш мумкин. Албатта, ушбу натижаларга эри-шишда ҳукумат иродаси, давлат ташкилот-ларининг самарали ҳаракати, соҳада хусусий сектор улушининг ортиб бораётган-лигини эътироф этиш ўринлидир.

Даставвал “этнотуризм” тушунчасига тўхталиб, айтиш мум-кинки - бу тармоқ сайёҳларга ўзи яшаб турган жамиятдан бошқа маданият-ларни, урф-одатлар ва анъаналарнинг ҳақиқий тажри-баларини тақдим этишга қаратилган. Этнотуризмнинг асосий мақсади сайёҳларга маъ-лум бир ҳудуднинг маданияти, анъаналари ва ҳаёт тарзини чуқурроқ тушуниш ва тажриба қилиш имкония-тини беришдир. Бу туризм тури, одатда, маҳаллий аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш ва уларнинг турмуш тарзини ўрганиш орқали амалга оширилади.

Этнотуризмнинг асосий хусусиятларини бешта йўналишга бўлиб талқин қилиш орқали осонроқ англаш мумкин. Хусусан,

Биринчидан - маданий тажриба: Этнотуризм сайёҳларга маҳаллий маданият ва урф-одатларни, санъат ва ҳунармандчиликни тажриба қилиш имкониятини беради. Масалан, меҳмонлар маҳаллий санъаткорлар билан учрашиш, анъанавий рақс ва қўшиқларни кўриш, ёки ўз қўллари билан қўл меҳнати асосида буюмлар яратишлари мумкин.

Иккинчидан - маҳаллий ҳаётга интеграция: Этнотуризм сайёҳларни маҳаллий аҳоли билан бевосита мулоқот қилишга ва уларнинг кундалик ҳаёти билан танишишга ундайди. Бу жараён қишлоқ ҳаёти, анъанавий машғулотлар ва турмуш тарзини ўргатишни ўз ичига олади.

Учинчидан - таълимий аспект: Этнотуризм сайёҳларга янги маданиятларни ўрганиш ва тушуниш имкониятини беради. Бу, тарихий контекст, маданий қийматлар ва анъаналарга оид bilimларни оширишга, қолаверса, жамиятимизнинг бой анъаналарини кенг тарғиб қилишга ёрдам беради.

Тўртинчидан - барқарор ривожланиш: Этнотуризм кўпинча барқарор ривожланиш ва маҳаллий ресурсларни ҳимоя қилишни мақсад қилади. Бу, маҳаллий маданият ва анъаналарга зарар етказмаслик ва уларни сақлаб қолишга қаратилган чораларни кўришни англатади.

Бешинчидан - услубий ёндашув: Этнотуризмнинг ўзига хос ёндашуви мавжуд бўлиб, бу сайёҳларга турли маданиятларни аниқ ва аутентик тарзда тажриба қилиш имконини беради. Бу, кўпинча, ўз маданиятини сақлаб қолган жойларда амалга оширилади.

Этнотуризмнинг ривожлантириш натижасида қўлга киритилган ютуқларга тўхталиб, қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

- Сайёҳлар ва маҳаллий аҳоли ўртасида маданий ўзаро алоқа ва тушунишни ривожлантиради.
- Маҳаллий ҳунармандчилик ва хизматларни ривожлантириш орқали маҳаллий иқтисодиётни қўллаб-қувватлайди.
- Анъаналарнинг ва маданий мероснинг сақланиши ва ривожланишига ёрдам беради.

Хуллас, этнотуризм маданий алмашувни рағбатлантириш, туризмни барқарор ривожлантириш ва маҳаллий аҳолини қўллаб-қувватлаш орқали туризм соҳасини ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди.

Мазкур жараёнларда Тошкент давлат шарқшунослик уни-верситети жамоаси ҳам ўз имкониятларидан келиб чиқиб фаол иштирок этиб келмоқда. Ҳозиргача жамоа аъзолари томонидан Бойсун, Чуст, Янгиқўрғон ва Риштон туманларида туризмни ри-вожлантириш йўналиши доирасида ҳудудларга жами 16 маротаба экспедиция ташкил этилган бўлиб, 300 дан ортиқ матнли, видео ва фото контентлар тайёрланди. Матнли ва видео контентлар япон, хитой, корейс, араб, форс, дарий, пушту, ҳинд, урду, малай, индонез тилларига таржима қилиниб, ижтимоий тармоқлар ва Youtube платформасига жойлаб борилмоқда.

Қолаверса, университет бугунги кунгача 10 га яқин туристик компаниялар билан ҳамкорлик мемориандумини имзолаб, улар билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Жумладан, бу борада

1. "Зиярах Травел"

2. "Эдем Травел"

3. Туризм инвесторлари уюшмаси (Tourism investors' assoiation)

4. Ўзбек-Хитой Туризмни ривожлантириш уюшмаси

5. Ўзбек-Ҳинд туризм уюшмаси

6. "TourismLab" МЧЖ

7. Япониянинг "ЖТБ" туристик компанияси билан ҳам-кор-лик йўлга қўйилганлигини эътироф этиш ўринли.

Ушбу компаниялар билан ҳамкорлик доирасида жорий йил-нинг 9-14 май кунлари Япониянинг Токио шаҳрида "ИПАК ЙЎЛИ ВА ЯНГИ ТУРИЗМ" номли халқаро симпозиум ташкил этилди. Қир-ғизистон давлат университетининг бир қатор профес-сор-ўқитувчилари ҳамда талабалари жорий йилнинг 3-5 июнь кунлари "Туризм илмий амалиёти" доирасида университетимизда малака оширишлари ташкил этилди ва бу борадаги ишлар давом этиб келмоқда.

Бугунги кун жаҳонда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва глобаллашув давлат ва жамият тараққиётига алоқадор ҳар бир соҳага илмий ёндашувни талаб этмоқда. Туризм индустрияси ҳам маҳаллий имкониятларни кенгайтириш йўлида илмий тадқиқотлар ва креатив ғояларга таянади. Айти масала Университет илмий жамоасининг доимий эътиборида бўлиб, ҳозиргача соҳага доир нуфузли хорижий журналлар, халқаро ва маҳаллий конференцияларда 30 дан ортиқ илмий мақолалар нашр этилди. Хусусан, илмий жамоанинг "Экскурсия фаолияти: таълим, фан ва амалиёт симбиози", "Сурхон воҳасининг инсоният цивили-зациясидаги ўрни: моддий ва номоддий маданият асослари", "Ипак йўли бўйлаб туризм тармоқ-ларини яратиш", "Риштон тумани туризм

соҳасини ривожлантириш” номли халқаро илмий-амалий конференцияларда ташкилотчилиги ва илмий мақолалари билан фаол иштирокини қайд этиш мумкин.

Қолаверса, Университет илмий жамоаси томонидан “Локал атрибутлар асосида Риштон, Чуст, Янгиқўрғон ва Бойсун туманлари этнотуризм салоҳиятини ошириш” мавзусидаги мақсадли лойиҳа ишлаб чиқилиб, лойиҳа календар режасида белгиланган вазифалар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа юртимизда йирик имкониятга эга бўлган этнотуризм тармоғини илмий асослаш ва муҳим тармоқ сифатида ривожлантиришга қаратилган бўлиб, маърузада лойиҳа доирасида, бугунги кунгача бўлган қисқа вақтда шаклланган илмий хулосалар ўрин эгаллаган.

Ўзбекистоннинг Риштон, Чуст, Янгиқўрғон ва Бойсун туманлари этнотуризм соҳасида катта потенциалга эга бўлиб, уларнинг турли маданий ва тарихий хусусиятлари туризмни ривожлантириш учун ажойиб имкониятлар яратади. Хусусан, мазкур туманларда кулолчилик, пичоқчилик, дўппичилик, гилам ва кигиз тўқиш, қуроқ ва жанду тайёрлаш, каштачилик, асала-ри-чилик, йилқичилик, табиий йўл билан етиштирилган махсулотлардан фойдаланган ҳолда таомлар тайёрлаш, бахшичилик, чавандозлик, дорбозлик ва шу каби бошқа анъанавий хўжалик тармоқлари, фольклор, халқ ўйинлари ва томошалари санъат даражасида ривожланган. Албатта, бу жараёнда иштирок этиш, истеъмол қилиш, тинглаш ва кузатиш сайёҳларга унутилмас завқ беради.

Хусусан, кулолчилик санъати: XVIII асрдан бошлаб хо-рижлик тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келган Риштон тумани устоз-шогирд анъанасига асосланган кулолчилик санъати орқали жаҳонга машҳур. Риштон кулоллари томонидан яратилган буюмлар пардозлашда қўлланадиган сирлаш техно-логияси ўзига хослиги билан бошқа минтақада яратилган санъат асарларидан ажралиб туради ва бу жараён ҳар бир асарнинг муаллифлик имзосидек қадрланади.

Сайёҳларга кулолчилик буюмларини тайёрлаш жараёнини кўрсатиш, уларнинг ўз қўллари билан буюм яратишларига имконият бериш қолаверса, устоз-шогирд анъаналарини аслича тиклаш ва уни сайёҳларга намойиш қилиш минтақада сайёҳлар сонини ортишига хизмат қилади.

Пичоқчилик санъати: Ҳиндистоннинг Янги Деҳли, Туркия-нинг Измир, Польшанинг Познань, Суриянинг Дамашқ шаҳар-ларида ўтказилган халқаро кўргазмаларда намойиш этилган “Чуст пичоғи” авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналар асосида ривожланмоқда ва сайёҳлар томонидан Чуст шаҳри “Очиқ осмон остидаги темирчилик музейи” сифатида эътироф этилади. Чуст пичоқчилик мактаби анъаналарини тадқиқ ва тарғиб қилиш минтақада этнотуризм имкониятларини оширишга хизмат қилади.

Дўппидўзлик санъати: Ўзининг мураккаб нақшлари, юқори сифатли табиий материаллари ва азалий анъаналари асосида тайёрланадиган “Чуст дўпписи” бренди Ўзбекистоннинг миллий маданияти рамзига айланган. Чуст дўпписининг асосини ташкил қилувчи “Бодом гуллари” соатлаб қўл меҳнати талаб қилади ва кўплаб хорижлик сайёҳларни қизиқтириб келмоқда.

Қадимги даврлардан бошлаб, маҳаллий чорвадор аҳоли ўз уйлари ва ўтовларида яшаш шароитини яратиш ва уларни безаш учун қўл меҳнатига асосланган гилам тўқиш ва кигиз босиш анъаналаридан фойдаланганлар. Хунармандчиликнинг ушбу тури ҳозиргача сақланган бўлиб, ушбу жараёни Риштон, Бойсун, Чуст ва Янгикўрғон туманларининг Оқтомир, Паданг, Қорақўрғон, Мўғол маҳаллаларида кузатиш мумкин. Аҳамиятли жиҳати шундаки, хунармандчиликнинг ушбу тармоғи аллақачон сайёҳларни қизиқтириб, айрим манзиллар тур маршрутга киритилган ва ҳозирги кунда турлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон халқ амалий санъатининг муҳим йўналишларидан қуроқ, жанда ва кашта тайёрлаш миллий тўқимачилик маданиятининг қадимий анъаналарини ўзида мужассам этади. Улар турли хил безаклар, геометрик ёки абстракт нақшлар тушурилган ҳолда, ўйма ёки тикув техникаси усуллари ёрдамида ва ранглар мутаносиблигини таъминлаш орқали тайёрланади ва инсонга эстетик гўзаллик улашади.

Кўп йиллик тажрибалар асосида шаклланган қуроқчилик ва каштачилик манзилларини Риштон, Чуст, Янгикўрғон ва Бойсун туманларида учратиш мумкин бўлса, Жанда тайёрлаш бўйича Бойсун туманида алоҳида мактаб шаклланган ва хунармандлар томонидан кўплаб санъат асарлари сайёҳларга тақдим этилмоқда.

Ўзбекистон диёрида чорва ва чорва махсулотларини етиштириш билан боғлиқ кўп йиллик ўзига хос тажриба сақланган бўлиб, чорвачиликнинг асаричилик, йилқичилик ва қўйчилик бўйича ҳам алоҳида тур маршрутларни ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Янгикўрғон ва Бойсун минтақасидаги қулайлик йилқичилик ва қўйчиликнинг ривожланишига замин яратган ва от парваришловчилар орасида зотдор отларни етиштиришга оид бой тажриба сақланган. Улар ўртасида кўпкари ва от иштирокида ўтказиладиган ўйинлар қиш мавсумида тез-тез ташкил қилиниши сайёҳларни жалб қилиш имкониятларини беради.

Бойсун, Риштон, Чуст ва Янгикўрғон туманларига ташриф буюрувчи сайёҳларни танаввули учун ҳудудларга хос махсус таомлари мавжуд бўлиб, “Чуст оши” ва “Риштон оши”, Нанай қишлоғида “хамирсолди” ва Бойсун туманида “тандир” каби таом-лари кўп йиллик тажрибаларга асосан тайёрланади. Таомларнинг тайёрланишида ишлатиладиган

махсулотларнинг табиийлиги ўзига хос таъм хиссини туйдиради ва сайёҳларнинг навбатдаги ташрифига сабаб бўлади.

Мулоҳазаларимиз якунида халқ ижодиётининг муҳим йўналиши ҳисобланган Бойсун бахшичилиги анъанасига тўхталиб айтиш жоизки, асрлар давомида дўмбра, қўбиз, най ва чанг каби анъанавий мусиқий созлардан фойдаланган ҳолда эпик дostonлар, қаҳрамонлик ва муҳаббат ҳақидаги қиссаларни баён қилиб келаётган ушбу санъат тури, оғзаки равишда авлодлардан-авлодларга уста-шогирд қадриятлари асосида ўтиб келмоқда.

Жамоаларни жипслаштириб, жамоавий руҳни мустаҳкамлаб, байрамлар ва тўйларни янада жонли ва тантанавий ўтказишга ҳисса қўшган Дорбозлик Марказий Осиё халқларининг қадимий қадриятларидан ҳисобланади.

Мазкур номоддий меросимиз наъминалари сайёҳлар эътиборини тортиши табиий, албатта.

Ҳурматли конференция иштирокчилари юқорида келтирилган маълумотлар кўпчилик қатнашчилар томонидан кузатилган ва ушбу жараёнларга гувоҳ бўлганмиз. Бироқ, Ўзбекистон, Марказий Осиё, Шарқ мамлакатлари, қўйингки бутун жаҳонга маданий бойликларимизни тарғиб қилиш орқали минтақаларга ички ва ташқи сайёҳлар сонини оширишимиз мумкин. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Риштон, Чуст, Янгиқўрғон ва Бойсун туманларида этнотуризмни ривожлантириш имкониятлари юқори ва туризм салоҳиятини яна юксалтириш учун қуйидаги масалаларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ.

1. Меҳмон уйлари ташкил этишда миллий дизайндан фойдаланишга эришиш;
2. Сайёҳлар ташриф буюрувчи умумий масканларга “сервис” стандартини жорий этиш;
3. Туризмни ривожлантириш имкониятига эга туманларда туризмга ихтисослашган касб-ҳунар мактаблари фаолиятини йўлга қўйиш ва унда этнотуризмни рағбатлантирувчи йўналишни жорий этиш;
4. Ушбу туманларда ўлкашунослик музейлари фаолиятини янада жонлантириш ва уларда сайёҳлар учун алоҳида экспозициялар яратиш;
5. Сайёҳлар ўзларини хавфсиз ҳис қилишлари учун махсус тайёрланган “Туристик полиция” лар отрядини тузиш;
6. Сайёҳлар ташриф буюрувчи маҳаллалар аҳолиси, хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар орасида этнотуризм моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдалилган адабиётлар рўйхати:

1. Doniyorov, A., Khaydarov, I., Alimova, R., Asadova, S., Askarov, M., & Odilov, B. A.

(2023). Historical roots of interethnic harmony and tolerance in Uzbekistan. *Journal of Law and Sustainable Development*, 11(12), e2535-e2535.

2. Одилов, Б. (2024). Некоторые комментарии о возможностях развития этнотуризма (на примере наманганской области, янгикурганского района). *Science and innovation*, 3(Special Issue 46), 507-510.

3. Odilov, B. (2018). Characteristics of economic activity of the population of Fergana valley in XIX and at the beginning of XX centuries. *International Journal of Development Rezerch (IJDR)*, 8(10), 23827-23829.

4. Odilov, B. (2020). Ўзбекларнинг анъанавий хўжалик фаолияти ҳақида айрим маълумотлар. Республика XII илмий-назарий конференцияси материаллари, 2(12), 121-125.

5. Zokirov, B. (2024). THE ROLE OF NATIONAL-CULTURAL TRADITIONS AND INTANGIBLE CULTURAL HERITAGE IN THE DEVELOPMENT OF ETHNO TOURISM. *Science and innovation*, 3(Special Issue 46), 794-796.

6. Sayfullaev, D., Odilov, B., & Karimov, N. (2023). The impact of Soviet rule on the cultural identity of Uzbekistan: a comparative analysis. *SGS-Engineering & Sciences*, 2(02).